

ЖАЛДҚ СЎЗИ

Газета 1991 йил 1 январдан чиққа бошлаган.




Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

8 ОКТАБРЬ, ПАЙШАНБА. № 196 (447). 1992 йил

Сотууда эркин нархда

Ассалому алайкум

БУГУН ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ХИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЧИЛАДИ



ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА УЧРАШУВ



СУРАТДА: учрашув пайти.

В. МИЛИНЬКИЙ олган сурат.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани, ўлкада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда юз берган ўзгаришлар рўй бераётгани, республиканинг Ўзбекистон Миллатлар ташкилотига аъзо бўлгани, унинг оғру-эйтиб ортиб бораётгани бутун дунёда қизиқиш уяғотмоқда.

Америка Қўшма Штатларининг собиқ давлат котиби Генри Киссинжернинг республикага келиши бунинг бир далилидир. У Ўзбекистоннинг ҳаёти билан тўғрисида, 7 октябрь кунини ўзбекистон Президентининг ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасида Г. Киссинжер билан учрашув бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари, вазирлик ва идораларнинг, янги конгресслар ва уюшмалар, банкларнинг раҳбарлари, таниқли иқтисодчи олимлар, шибилармонлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов учрашувни очар экан, шундай деди:

— Жаноб Генри Киссинжер, сизларга таништириб ўтиришимиз ҳолати бўлмаса керак. Мен у билан биринчи марта Женевадаги анжуманда учрашганман. Генри Киссинжер маъмур форумга раислик қилган эди. Шунга алоҳида таъкидлаш кераки, мустақил Ўзбекистонимиз илк бор мана шундай анжуманда иштирок этганда. Унда жаҳондаги барча давлатларнинг раҳбарлари

қатнашган эдилар. Жаноб Киссинжер мустақил Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётди.

Ўзбекистон Президенти ўлкада бунёд этилаётган демократик жамият ҳақида, бу йилдаги янги қийинчиликлар тўғрисида гапириб берди. Республикада ҳақиқат қилиш учун бу ерда бирор муддат яшаб, рўй бераётган ўзгаришларни кўриш лозим, — деди И. А. Каримов. — Биз ҳукукий давлат қурмоқдамиз. Бу энг тўғри йўллар.

Шундан кейин Ўзбекистон Президенти учрашув қатнашчиларининг диққат-эътиборини Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлаш, барча соҳаларда фойдаланиш муносабатларини қарор топтириш, малакали мутахассисларни етиштириш, бу бордаги АҚШ тажрибасига таяниш каби масалаларга қаратди.

Г. Киссинжер Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истагани билдирди. Мех-

жаҳонда муносиб ўрни бўлган Ўзбекистон Республикаси ва халқи номидан сизлар — Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI халқаро кинофестивали қатнашчиларини чин дилдан табриқлайман.

Мустақил Ўзбекистон заминига хуш келибсиз! Ҳар бир мамлакат ва ҳар бир миллатнинг буюк вази-фаларидан бири — ўз юртининг ажойиб анъаналарини асраб-авайлашдан иборатдир. Неча ўн йиллар муқаддам Тошкентда асос со-

линган халқаро кинофестиваль ана шундай кутлуг анъаналардан биридир. Жаҳон халқлари маданияти ва санъатидан баҳраманд бўлиш чин маънодаги саодатдир.

Ўзбекистон илм-маърифат ва санъат ҳаётининг бешигини тебратган ватандир. Ал-Хоразмий, ат-Термизий, Имом Бухорий, Яссавий,

Амир Темур, Алишер Навоий ва Бобурларнинг ватани бўлган Ўзбекистон сизга кенг қулоқ очиб турибди. Сиз ҳар қадамда халқимиз меҳр-муҳаббати, санъатга бўлган эҳтиромини шоҳиди бўласиз, деб ўйлайман.

Бугун Тошкентда очилаётган киноанжуман мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқаларини

янада кенгайтиришига шубҳа йўқ. Биз кино оламнинг намоёндаларига қулоқ очарканмиз, айти пайтда жаҳон санъати ва маданияти эшикларини бизга ҳам кенг очилаётганини ҳис қиламиз.

Ўзбекистон пойтахти — Тошкент жаҳоннинг буюк қиъталарини бирлаштирган киноанжуманининг доимий маркази бўлиб қолганидан

ҳақли равишда фахрланамиз. Тошкентнинг тинчлик ва дўстлик руҳи абадидир! Тошкент тинчлик ва дўстликка хизмат қилган буюк ташаббуслар ва анъаналарнинг ватани бўлиб келди ва бундан буюн ҳам шундай бўлиб қолади.

Тошкентда навбатдаги XI халқаро кинофестиваль байроғининг баланд кўтарилиши билан сизларни яна бир бор қутлайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 8 октябрь.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ХИ ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

КРИШНАХОНИМ: «ХОНАДОНИМИЗГА ҚАНЧА КЎП ЎЗБЕК КЕЛСА, РАЖ КАПУРНИНГ РУҲИ ШУНЧА ШОД БЎЛАВЕРАДИ»

РАЖ КАПУРНИНГ ХОТИНИ, УҒЛИ ВА ҚИЗИ БИЛАН СУҲБАТ

Шу йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раис Шавкат Йўлдошев бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Хиндистонга таширф буюргани ҳақида илгари хабар бергандик.

Ана шу сафар давомида делегация аъзолари Бомбейда — Раж Капур хонадонига ҳам бўлишди.

Пўлдошев қувончли хабар айтди: Бомбейга таширф буюрганимизда Капурлар хонадонига меҳмон бўларканмиз! Угли Рандхир ўзбекистонликлар келишавтганини эшитиббў Хиндистон ҳукуматига илтимос қилди: уларга меҳмонлик қилмоқчимиз деб.

Ва ўша кун келди. Бомбей ҳокимиятидаги расмий учрашувлардан сўнг «Раж Капур фильмз» студиясида Раж Капур, Рандхир, студиясида Шани Капур, кутуб олинди. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан таништиришди. Кейин Раж Капурнинг қатор фильмлари — «Дайди», «Жаноб — 420» — дан парчалар кўрдик. Яна Раж Капур билан учрашдик. Юраклар тағин тирнади... Сўнг «Ички дана, ички дана, дана упр дана» янгради. Қадрдон ва семизли бу мисраларни биргалашиб айтдик.

Деҳлига учарканмиз, яна Раж Капур хайлига келаверди.

Кечқурун эса... делегациямиз раҳбари Шавкат

Ўйрлаган хурлиқо. Ҳамюртларимиздан бири Рандхирдан суради:

«Наргиз онангиз-а?», у эшитмади, тушунмади шекилли, ҳалиги ҳамроҳимиз саволни қувдалангрок қилиб қўйди: «Наргиз Раж Капурнинг хотининми?» «Йўқ, хотини — онамиз бошқа. Уйга борганда танишасизлар», — жилмайди Рандхир. Кейин қўшиб қўйди: «Наргиз Уй йил илгари оламдан ўтган»... Ҳайҳотдай ҳовли. Бежирим дево. Шинам меҳмонхона. Деворларда Раж Капурнинг суратлари. Хотини Кришнахошим туладан келган, хушнакаллуф аёл экан. Қиз Ришма эса шу қадар хушчақчақки — отасининг ўғинаси. Уғилларидан бири жиддий, иккинчиси сергап. Аммо хонадондагиларнинг бари бизни қўлга жой топишолмайди, шу қадар хурсандки, худди Раж Капур тирлики келгандай.

Шавкат ана уй соҳибасига мазорбосди совғалар, жумладан, Алишер Навоийнинг китобларини ҳам ҳадя қилди. Раж Капурнинг ўғилларига дўпни кийдирдик.

Бир зумдаёқ, худди бирини минг йил кўрмай, соғиниб қолган эсини бирорлардек пирин, самийий суҳбатга тушиб кетамиз. Таби-

ийни, бош мавзу — Раж Капур. Бизга унинг ётоғини ҳам кўрсатишди: жиҳозлар у тирлиқдан қай тартибда турган бўлса, ўшандайлигича қолган экан.

Кришнахошим чойдан сўнг дастурхонга таклиф этади. Таомлар бир неча хил. Хизматкорларига жавоб бериб, уларни уй эгалари ўзлари тайёрлашди, бизга бўлган хурматини ифодалаш учун. «Раж Капурни ўзбеклар доимо бошларидан кўтариб юришган ва шу боре биз сизлардан катта нарсадоримиз. Хонадонимизга қанча кўп ўзбек келса, Раж Капурнинг руҳи шунча кўп шод бўлаверади!» — деди хотини.

Улар бизга дярли ярим кечаси жавоб беришди. Диққатингизга ҳавола этилаётган суҳбатлар ана шу муътабар хонадонда ўтказилди...

«МЕН ЭРИМГА БИРОПАРТАЙМ РАШК ҚИЛМОВДИМ»

Виринчи суҳбатдош — Кришнахошим.

— Қачон турмуш қургансизлар?

— Минг тўғиз юз қирқ олтинчи йилда.

— Раж Капур эди ушанда Раж Капур?

— Виргирма бирда. Мен эса — ўн олтида эдим.

— У сизни севиб қолувини йил сиз уни?

— Икковимиз ҳам бир-биримизни ёқтириб қолувдик.

— Хойнаҳой Раж Капурнинг муҳаббатига сазовор бўлиш ораусида юрган қизлар анчагина бўлгандир, ахир шундай машҳур актёр... — Уша пайтда у умуман актёр эмасди. Бу иш билан оила қурганимиздан сўнг шу гуллана бошлади ва икки йилда танилиб кетди.

— Уни эридан бошқа аёллар билан кўрганимизда рашк қилганимиз?

— Бирор мартаям, ўзинки бу — кино ҳаммаси ўйинки — билардим-да.

— Сизга эрингизнинг қайси фильми энг кўп ёқди?

— «Жаноб — 420», «Дайди»... ҳушлас, ҳаммаси!

— Сизнинг касбингиз?

— Уй бекаси. Мантабни битириб эрта текнамиздан буюн ана шу насбдаман.

— Вир-бир ҳунар танлашнинг ёни институтга кириб ўқинишга муимкидир?

— Албатта. Лекин эрим кўнмади: бир хотини ўзим боқиб оларман деб, кейин ўзим ҳам уй бекалигига кўникиб қетдим.

(Давоми 3-бетда).

Ислом КАРИМОВ: ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШ ЧИН МАЪНОДАГИ САОДАТДИР

КИНОАНЖУМАН СОЛНОМАСИ

I Халқаро Тошкент кинофестивали 1988 йилнинг худди шундай олтин куз кунлари — 21-31 октябрда бўлиб ўтган. Осиё ва Африканинг 49 мамлакатидан келган 318 кинонамоёндалари ўз ишларини намоёни қилганлар. Илк анжуман «Тинчлик, халқларнинг социал тараққиёти ва озошлиги учун» деган асту шир остида ўтган.

Айни шу фестивалга беназир, бетакрор кино юлдузи Раж Капур махсус шахсий тақдирнома олган.

Мақсуд ва бундан кейин ўтказилган саник фестивалда ҳам конкурс бўлмаган, мукофотлар расман тақдимланмаган. Унинг барча иштирокчилари Халқаро Тошкент кинофестивалининг эрдик дипломлари ва танкилотлар тайёрлаган махсус мукофотлар билан тақдирланган.

II ва III кинофестивалларнинг (1972, 1974 йиллар) расмий дастурига 200 дан ортиқ бадий ва ҳужжатли киноленталар киритилган. Унда собиқ совет давлати иттифоқидош республикалари киносаноати кенг тарғиб қилинган, Осиё ва Африка қитъасидан 70 давлат қатнашган.

IV Халқаро кинофестивали (1976 йил) уч қитъа — Осиё, Африка, Лотин Америкаси киношарҳдорлари байрамга айланган.

V Халқаро кинофестивали (1978 й.) қатнашган 70 мамлакат санъаткорлари орасида биринчи марта Австралиа ҳамда Океания вақиллари ҳам бор эди. 230 дан ортиқ фильм намоёни қилинган. Фаластини овоз қилиш танкилоти, «Чили вақтарлар кучлари» ҳам ўз делегацияларини юборишган.

VI Халқаро кинофестивали (1980 й.) иштирок этган мамлакатлар сони 87 тага етди. (Халқаро танкилотлар делегациялари бу ҳисобга кирмайди). Намойиш этилган 200 кинолентанинг ичида Кампучия ва Нигарага фильмлари илк бор Тошкентда қўйилган эди.

Ассалому алайкум

Ассалом, ассалом, мархабо дўстлар!
Ассалому алайкум, ақин-олислар!
Қўли қўлга, дилини дилга боғлаб анжуман,
Юртим тўкин дастурхондир, дўстлар жамулжам.

Нақорат
Муствақил Ўзбекистон — сўзлагаймиз мағрур,
Қўтлуғ этиқодимиз — тинчлик, озошлик, нур!
Тошкент — улкан бир экран, мунаввар уфқлар,
Қалбларда фестивалнинг юлдузлари чақнар.

Ассалом, ассалом, мархабо дўстлар!
Ассалому алайкум, ақин-олислар!
Санъатингиз, иқтидорингизга офарин,
Дунё кино дарғалари,

Гўзал ҳислар зарғарлари, Сизга офарин!
Нақорат

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Дастлабки йиллар жудалар қайнаб йағай бўлсаларинг керак-а?

— Қай маънода?

— Моддий жиҳатдан, демақчиман.

— Отам полиция инспектори бўлиб, ахшигина топарди. Қўйиласан, ёрдам қўлини узатарди.

— Тўнчиқларингиз Рандхирми?

— Ҳа.

— Нега ёшда?

— Қирқ бешда.

— Иккинчиси-чи?

— Рита. Деҳлида яшайди. У яқинда отаси ҳақида нитоб чиқарди. Кейингиси яна ўғил, исми Риши. Яқинда қирққа кирди. Римма ўттиз тўртда. Кевжамиз Ражив ўттизда.

— Небаралар қўпми?

— Етти нафар.

— Бу ўйда сиз билан қайси фарзандингиз туради?

— Рандхир. Римманинг уйи ҳам унча узоқда эмас — ярим соатлик йўл.

— Сиз эрингиз ёки ўғилларингизнинг бирор картинасида қатнашганингиз?

— Йўқ. Ахир мен актриса эмасман-ку.

— Унда айтинг-чи, қай бир фарзандингиз энг талантли?

— Менимча... Риши, аммо кенжабойимиз ҳам чакки эмас.

— Болаларингиз ўз фильмларингиз муҳокамасига сизни чакришадими?

— Чакришадими.

— Танқидий фикрлар ҳам билдирасизми ёки..

— Ҳа.

— Улар-чи, инobatта олишадими?

— Баъзан олишадими, баъзан — йўқ.

— Раж Капурнинг хоки қаерда.

— Бомбейда-да, албатта.

— Нега, «албатта»?

— Чунки, «Бомбей Бомбей-да».

КРИШНАХОНИМ: «ХОНАДОНИМИЗГА ҚАНЧА КЎП ЎЗБЕК КЕЛСА, РАЖ КАПУРНИНГ РУҲИ ШУНЧА ШОД БЎЛАВЕРАДИ»



— биз доимо бирга ижод қилардик.

— Бу қачонги гап.

— Иккинчиси икки йил аввалги.

— Раж Капур ўз фарзандларига нисбатан қаттиққўл режиссёримди ёки сизларнинг аяришми?

— Асло аямасди, қайтага бизни энг кўп қийнади.

— Осон йўлга киришимизга тўнги-тўнги билан қаршилик қўрсатарди.

— Студияларингизда қанча киши ишлайди?

— 350 атрофида.

— Иккинчи нечта фильм чиқарасизлар?

— Бу йил иккита тайёрландик. Аммо биз бошқа студияларга ҳам картиналар олишда бевосита ёрдам берамиз.

— Тошкент кинофестивалига олиб борадиган фильмларингиз ҳақида қасқача сўзлаб берсангиз?

— Отам уни суратга олишни деярли ўн тўрт йилча юратган туйиб юрди. Яхши, мен Раж Капурнинг шу асар режиси ҳақида деганини сўзма-сўз айтмай: «Инсон қийинчиликларга бардош бериш жараёнида кўпгина тажриба орттиради, худди ҳиҷани тўғналаридан сўнг у ўз ратининг намоён қилиши синади».

— Хиндистон билан Покстон бир вақтлар бир бутун эди. Кейинчалик ажралишди. Фильм «Ирриг» ошга қўшилган оғу тўғайди, бири иккинчидан айрилган икки халқнинг тарихи ҳақида.

— Унга Желум дарёси ёқасиди воқеалар асос қилиб олинган. Бу дарё Хиндистондан Покстонга оқади, ҳиндлар юртидан мусулмонлар мамлакатига. Нега?

— Одамлар уларни бўлиб юборишгани учун. Ахир сеғини акрабиб бўлармикан? У кимлиги, қайси динга, табақага мансублигидан қатъий назар, барча ақли расо одамларга хос бўлган инсоний кадр-қимматларни тараннум этадиган фильм бўлади. Уларнинг бари — яратганини бандиси..»

— Афсуски, отам уни ниҳоятга етказма олди.

— Айтишларича, фильмнинг сценарийи ҳам тайёр бўлган экан-а?

— Ҳа. Уни «Дайди» сценарийининг муаллифи Ҳожи Аҳмад Аббос отаси билан бирга ёзишганди.

— Фильмда Капур оласидан кимлар қатнашган?

— Мен (директор сифатида), Риши эса бош ролини

КИНОАНЖУМАН СОЛНОМАСИ

VIII Тошкент кинофестивали (1984 й.) программаси аввалгиларига қараганда бой ва ранг-баранг бўлди. 92 мамлакат кино арбоблари, шунингдек, ВМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро миқлий танкилотлар фестивалда 256 та бадий ва ҳужжатли фильмлар билан қатнашди.


IX кино фестивал Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Тинчлик йили деб эълон қилинган тарихий сана — 1988 йили ўтказилган эди. Иштирокчилар аввалгилардан кам бўлмади. Бу анжуманда дунё киносининг таниқли вақиллари билан бир қаторда ёшлар кинолари ҳам кенг намоёни қилинди. Қизгин баҳс ва сўхбатларда, амалий урчушларда Хиндистон, Жапон, Марокеш ва бошқа мамлакатлар кино намоёндалари билан ўзбек киноси вақилларининг ўзаро ижодий алоқалари муствақилланди.

X кинофестивали, 1988 йил. Аввалгилардан таниқли жиҳатдан тўдан фарқ қилган бу анжуманда 92 мамлакат вақиллари қатнашдилар. Биринчи марта 17 фильм совринли ўринлар учун кўришга ҳавола этилди.

«Катта олтин Семург», «Кичик олтин Семург» мукофотлари, энг гўзал аёл, олтин икроси учун «Ролли дола», энг яхши эркак роли икроси учун «Олтин арча», миллий аъшаналарни сақлаб қолган ва ривожланган фильмлар учун эшакка миниб кетаётган қувноқ Хўжа Насриддин равишдиган совринлар биринчи бор таъсис этилди, муносабларга топширилди.

Ҳар бир кинофестивал санъатининг бу халқчил тур омониди, янги-янги юлдузларни калф қилиш. Дунё тан олган А. Сино (Япония), Хум Курасова, Кането эй (Хитой), Суейл Бин Барка (Марокеш), Миел Литтина (Чили), Муҳаммад Бин Умар (Тунис), Кетан Мехта (Хиндистон), Омер Капур (Туркия), Хосе Мануэль (Колумбия) ва бошқа қатор киношарҳдорлар улар жумласидандир.

Фестиваль совринлари



икро этган. Биз унда отамнинг тажрибасини бусбутун давом эттиришга уринганмиз..

— Фильмингиз Тошкентга ўзингиз олиб келасизми?

— Ҳа. Ўйлаймикин, у ҳам Раж Капурнинг бошқа фильмлари қатори ўзбек биродарларимизга маъқул тушади.

— Биласизми, мен турмушта кечроқ чиқдим ва вақтим асосан отам билан ўтарди. Биз худди дўстлардек кўн бўлиб қолгандик; у киши юратганини қўпгина менга очарди.

— Отанингизнинг бирорта фильмиди тушганингиз?

— Йўқ.

— Нега?

— Чунки тақлиф этмагандим.

— Ўзингиз ташаббус кўрсатганигиз бўлмасмиди?

— Барбир фойдаси бўлмасди, чунки отам оиламидаги хотин-қизларнинг фильмга тушишларини мутлақо истамасди.

— Сабаби?

— У киши дерди: «Сиз, аёллар ишлаб ўзларингиз уринтириб қўймаглар. Қанча пул бўлса, мана биз, эркаклар топаверамиз!»

— Отанингизнинг камчилиги кўпмиди?

— Ўзига яраша эди.

— Масалан?

— Масалан, қиттан кўпроқ ичиб қўйди. Кейин, баъзан шухрат ҳам бошини айлантирган пайларни бўлудди. Лекин хислатлари кўпроқ бўлиб, отам қамтар, шўх инсон эди. Меҳмондорчилики, айниқса, севади.

— У киши Тошкентдан қачон қайтса, ўзбеклар ҳақида ҳикоя қилгани қилганди. Сизларни ниҳоятда эъозларди.

— Анвар ЖҲАБОВЕВ.

Бомбей — Тошкент, август, 1992 йил.

Маданий мерос — авлодлар мулки

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Тошкент халқаро кинофестивали кунларига муносиватини Кино уйда «Карвон» галереясининг бир гуруҳ расмолари асарлари кўргазмаси очилди.

Ж. Умарбеков, А. Турдиев, М. Ноброқимов, Ж. Усмонов, П. Аҳмадалиев, В. Маҳжамов каби расмоларнинг юббўида яратилган полотноларида юксак маҳорат, ранг-баранг услубий изланишлар, тасвирнинг кенг бадий воситалари яққол кўзга ташланади. Ўз халқининг бой маданий меросига бўлган кучли қизиқиш миллий аъшаналарни чуқур идрок этиш, уни ўз икнодига сингдириш саъй-ҳаракатлари бу расмолар фаолиятига хос бўлган ўмумий омиллардир.

«Карвон» галереяси барча куч-имкониятларини ўзбекистоннинг бадий маданияти ривожлантиришга қаратиб, бадий ижодий нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам кенг тарғибот-тарғибот қилинишига қўмақлашишга жазм этган.

Тошкент киноанжумани кунларида «Карвон» галереяси фестивал қатнашчиларидан бўлиб алоқанда бўлади. Бир гуруҳ расмолар Кино уйда ташкил этилган ижодий устахонада актёрлар, режиссёрлар ва бошқа кино санъати арбоблари портретларини яратдилар.

Ушбу санъат байрами ҳомилигини ҳам Маданият ва ўмумий инсоний қадриятлар халқ академияси ўз зиммасига олган. Академиянинг хайрли фаолияти жумҳуриятнинг иқтисодий-иқтисодий тараққиётига, иқтисодий нозор тўманларга ёрдам қўлини қўзишга, Ўзбекистон бадий маданиятини қайта тиклашга, меъморчилик ёш-горликларни, маданият иншоотларини таъмирлаш ва янгиларини қуришга қўмақлашишга, тўғма қобилиятли болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

И. АБДУСАМАД



Шаҳобиддин НУРИДИНОВ — Тошкент техника дорилфунуни ассистенти:

— Бугунги кунда кино деярли барча мамлакатларда санъатнинг энг етакчи турига айланган. Айниқса, Шарқ давлатлари кино санъати ўзининг актиб жозибаси ва мусиқий таровати билан томошабинни ўзинга тортлади.

Кейинги пайтда кино оламга кириб келган кўплаб истаълодди санъаткорлар фильмларида чуқур фалсафий мушоадалар ва кишини ўйлантирувчи маънавий муаммолар тақдир бўлишига иштирок дора.

Бу нарса замонавий томошабинни бефарқ қолдирмайди. Ягона истаълом, тобора ривож топаётган кино санъати ичида Ўзбекистон кинематографчиларининг ҳам муносиб ўрини бўлса.



Тошкент шаҳар йўловчилар ташин транспорт корхоналари давлат уошимаси бошқаруви раиси РАВШАН ФАЙЗУЛЛАЕВ:

— Аввалги ўнча фестивали ҳам чиройли қилиб ўтказилган. Аммо бу галги ўн биринчи Халқаро кинофестивал ўзгачадир. Чунки бу сафар меҳмонлар ўз муқтадирлигига кўлга киритган Ўзбекистон давлатига ташриф буюрадлар.

Киноанжуман қатнашчилари ва меҳмонларига қўлай транспорт хизмати кўрсатиш учун 75 та ГАБ—24 ҳамда 25 та РАФ енгил автомашиналарини ҳозирлаб қўйдик. Корхоналаримизда янги автомашиналарнинг қамлиги тўғайди биз хизмат кўрсатаётган муассасаларининг машиналарини ҳам бу тадбирга жалб этдик.



Тошкент шаҳар назорат бошқарасининг бошлиги АХМАДЖОН ЭРКАБОВ:

— Бизнинг ДАН бошқарамиз ҳоҳимлари ўн биринчи халқаро киноанжуман юқори даражадаги тарғиботиним билан ўзини учун ҳамма имкониятларини ишга солмақлар. 400 дан ортиқ транспорт техника кўригидан ўтказилди. «Тошкент» аэропортидан «Ўзбекистон» меҳмонхонасигача бўлган йўлда патруль хизмати уюштирилди.

Шаҳардаги 12 та кинотеатрда кеч соат 19.30 дан бошлаб янги фильмлар намоёни этилади. Кинодан чиққан фондурлар ва меҳмонларни ўз манзилларига элтиб қўйиш учун автобус, троллейбус ҳамда трамвайларнинг аниқ ҳаракатини ҳам таъминлаймиз.



Зиннада ДОКУЧАЕВА — «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг бош иш юртувчиси:

— Бизнинг меҳмонхонамиз хорижий эллардан келган ва шунингдек, қисман ҳам дўстлик мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонларни қабул қилди. Биз тайёрларининг илк палласидеб ривожланган мамлакатлар меҳмонхоналари тажрибасини ўрганиб, уни ўзимизда қўллашга ҳаракат қилдик. Ушбу Халқаро анжуманга хоналарни тайёрлаш ишини бундан бир-икки ой муқаддам бошлаб юборганмиз. Бугунги кунда меҳмонлар учун ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйдик. Меҳмонхонамизда энг гўзал 370 та хона анжуман қатнашчилари учун ажратилган. Киноанжуманинг ташкилий қўмитаси ва бошқа хизмат идораларининг вақиллари ҳам бизнинг меҳмонхонадан жой олган.



Шомансур ШОАХМЕДОВ — «Тошкент» меҳмонхонасининг бош муҳандиси:

— Халқаро киноанжуман муствақил Ўзбекистонимизда ўтаётганлиги, хусусан унинг иштирокчилари бизнинг меҳмонхонада бўлишларидан қувонганимиз. Айни пайтда меҳмонхонамиз кинофестивал муваффақиятини ўтиши учун барча шарт-шароитларни тайёрлаб қўйдик. Меҳмонхонамизда энг яхши 125 та хона (250 ўринли) меҳмонларга мунтазир. Ушбу хоналардаги барча буюмлар: чойнак-пиёладан тортиб, стол-стулу радио-телевизоргача — ҳаммаси сифатли таъмирланди. Айжуман иштирокчиларининг алоқа, почта ва транспорт хизматида қўлай фойдаланишларига имконият яратилди.



Гўзал ЖАЛИЛОВА — талаба:

— Киноанжумани кўндан буён ораниб кутган эдим. Айниқса, ҳинд кинофильмлари менинг жони-дилим.

Ана шундай пайтда Ўзбек кино санъаткорлари томонидан яратилган фильмлар кишининг кўз олдидан ўтди. Бунда ҳам алга мансур бўлган бир қанча фильмлар яратилганининг инкор этмаган ҳолда, ҳали ижодкорларимиз томошабинлар олдида қарадор эканлигини киноанжуман кунлари яна бир қарра сезасан кишин. Халқаро кинофестивал фақатгина энг яхши фильмлар қўриқтанилиб бўлмасдан, у ўрганиш, тажриба ва жуда катта маданият мангаби ҳам бўлади, деган умиддаман.

Илм-фан заҳматкашлари

Кейинги йилларда сарсаҳоват табиати муҳофаза қилиш, унинг гўзаллиқларини кўтариш, шоирлар тилида айтганда, «йилгаб-йилгаб» ёзилганда мазулардан бири бўлиб қолди. Бир вақтлар табиатга уста-ма-уст зуғумлар қилинди. Бу ишлар бугунги кунда ўз кучини кўрсатмоқда...

— Шариф Турсунович, Сиз республикада биринчилардан бўлиб табиат муҳофаза қилиш бўйича илмий иш олиб борганингизни айтиб берсангиз.

— Абу Али ибн Сино: «Агар ҳавода чангу губор бўлмаса, инсон минг йил яшаган бўлар эди», деган экан. Дарҳақиқат, умримиз, соғ-омонлигимиз барча яхши-ёмон жиҳатлари билан бизни ўраб турган табиатга ва унга бўлган муомала маданиятимизга боғлиқ. Зеро, ота-боболаримиз табиатни бизга соф ҳолда мерос қолдиришди. Фан-техниканинг ўсиши, кимё дориларининг қишлоқ ҳужалиги тармоғига кириб келиши бизнинг соҳанинг ҳам вужудга келишига сабаб бўлди.

— 1954 йилда Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳининг дипломини олган, бир неча жойда врач ва бош врач бўлиб ишладим. 1958 йилдан илк илмий ишмини Олмаоқ қўрғоқнинг руҳ қонлари ҳавасида бошладим.

— 1954 йилда Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳининг дипломини олган, бир неча жойда врач ва бош врач бўлиб ишладим. 1958 йилдан илк илмий ишмини Олмаоқ қўрғоқнинг руҳ қонлари ҳавасида бошладим.

Шиноятлар тасдиқланди. Эсимда, профессор Медвед устозим профессор А. Зоҳидова «Абдулла, сизларда ўзбекининг келажиги учун қайғурадиган истеъдодли ёш олимлар топилдими? Агар топилса, менга қўшининг, биргаликда бу масалани ҳал қиламиз...», деди. Ҳаётимда энг бахтиёр кунлардан бири шу бўлдики, биз профессор Медвед билан биргаликда яратилажак қарорнинг лойиҳасини ту-

Шунга қарамай, халқ ҳужалигида «ДТ», «Генцалло-ран», «ГМТД», «Бутифос», «Теофос» сингари химикатларни ишлаш ман этилиши бутун халқимизнинг галабаси эди. Чунки бу заҳарларни ман этилишига жуда қаттиқ қаршилиқлар бўлди. Масалан, ўша вақтда Марказий бўйича котиби Курбанов, қишлоқ ҳужалиги бўйича бўлим мудири Зининлар бутифосни ман

Элбошилар бош-қош УМРБОҚИЙ АНЪАНАЛАР

ҚУЙИ АМУДАРЕ соҳилларида турмуш кечираётган ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқларнинг дўстлиги, иноқлиги ҳавас қилса арзийди. Бу анъана авлоддан-авлодга ўтиб, боқий яшамокда. Уни энди фарзандлар, келгуси авлодлар давом эттиришади, кўз қорачиқдек асраб, абадиятга етаклашади.

Хива шаҳрининг 2500, кўҳна Урганчининг 2000 йиллик тантаналарини ўтказиш, биродарлашган шаҳарлар, районлар, ҳужалиқлар ва қорхоналар тизимини вужудга келтириш, ёшлар ташкилотларининг дўстона алоқаларини кучайтириш, учала элдан қариндошлар ва дўст-биродарлар орасидаги муносабатларни изчил давом эттириш, фуқароларнинг бирдамда сарҳадлар орқали эркин бордин-кедди қилишини таъминлаш каби эзгу талбларни ўри олган.

Мухими шуки, эндиликда ҳар учала халқ ўртасида дўстлик ва қардошлиқ алоқаларини мустаҳкамлашга элбошилар бош-қош бўлиш шайпти. Яқинда эзгу анъанани мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қadam ташланди: Хоразм, Тошқоғуз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат-қўшма ишчилик, маданий ва илмий-мағрифий ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан Узаро ахдлашувга эришилди. Шу муносабат билан тузилган дастурда туркманони Хива шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси, Хоразм ва Тошқоғуз вилоятлари ҳоқимлари та-

налани вазиятда имзолади. Шартнома Қуйи Амударё минтақасида яшовчи ҳар бир халқнинг иқтимоий-маънавий камолоти, азал-азал айт-аналари ва қадриятларининг улуғлигини муҳофаза қилиш, Узаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичга кўтариш режаларини белгилади. Шартнома матида воҳа халқларнинг иқтимоий-иқтисодий турмуш муаммоларини мунтазам ўрганиб бориш, адабиёт, санъат байрамлари, спорт мусобақалари ўтказиб туриш, минтақа халқ ҳужалиги учун малакали кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш.

ОҒУ БИЛАН ОЛИШИБ

1954 йилда Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳининг дипломини олган, бир неча жойда врач ва бош врач бўлиб ишладим. 1958 йилдан илк илмий ишмини Олмаоқ қўрғоқнинг руҳ қонлари ҳавасида бошладим.

этишга тиш-тирноғича қарши турдилар. Негаки, Россия заводларида бу химикатни ишлаб чиқарувчи бўлинми оқибатида иш-сиз қолар эмиш. Зинин уялмай-нетмай «...в результате запрещения бутифоса кто будет оплачивать рабочих завода» дегани ҳамон ёдимда...


Шундан кейин, 1963 йил сентябрь ойда «Ўзбекистонда заҳарли химикатлардан фойдаланиш ҳақида»ги қарор эълон қилинди. — Демак, ҳаммаси сил-лиқ битди дегин? — Йўқ. У вақтда қайси раҳбарлар билан атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида баҳс юритган, улар албатта халқ ҳужалигини рўнак қилиб кўрсатарди. Бу орада ҳаммаси дўстларим қўллаб-қувватлашди. Ўшанда ҳаммаси дўстларим қўллаб-қувватлашди. Ўшанда ҳаммаси дўстларим қўллаб-қувватлашди.

ИШ БИЛАНГА МИНГ ТАНГА

Ромитан туманидаги «Ҳазорбоғ» давлат ҳужалигида бир вақтлар вино заводи қурилиши бошланганди. Лекин ичкиликка қарши кураш вазирлиги йиллар қорхона қурилиши тўхтаб қолди.

Икки йил бурун Братскдан келган меҳмонларни ана шу чала завод қизғин-қизғин қолди. Шу муносабат билан иккала томон иқтисодий ҳамкорлик қилишга келишиб олди. Ўша йилнинг ўзига братскликлар заводи билан «Ҳазорбоғ» ўзаро кўришилган шартнома имзоланган эди. Шундан кейин қўшма қорхона ўз фаолиятини бошлаб юборди.

— Маҳсулотнинг 45 фоизи Братскга жўнатилади, 45 фоизи туман аҳолисига сотилмоқда, — дейди қорхона директори Ф. Латипов. — Албатта, маҳсулотимиз шерикларга келишилган нархларда берилмоқда. Оз фурсатда 3,5 миллион сўмлик маҳсулот сотиб, 1 миллион сўм соф фойда олдик. Бу борада шерикларимизнинг ҳам унутганимиз йўқ. Қисқаси, қорхона қурилган фойданинг 35 фоизига шериклар.



ТАБИАТ ҚУЧОҒИДА.

Футбол янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИ ЎРИНДА

БИШКЕК шаҳрида футбол бўйича Осиё кубоғи мусобақаларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қирғизистон — Ўзбекистон тарма жамоалари ўзаро куч синнашди. Ҳисоб: 2:6 (1:4).

Шаҳарнинг «Спартак» марказий ўйнагоҳи 4 минг томошабинини ўз бағрига олди. Ҳакамлар: А. Борисов (Семипалатинск), Н. Обитков, К. Мадиев (Олмаота). Учрашувда Ўзбекистон тарма футбол жамоаси таркибида қуйдагилар ўйнади: Қатнашчилар: Оланиёзов «Орол»; (Аҳмадхонов «Пахтакор»); Рўзимов «Навбахор»; Магомедов «Пахтакор»; Биллов «Нурафшон»; Тихонов «Нефчи»; Шарипов «Пахтакор»; (Ҳасанов «Пахтакор»); Манаров «Сўғдиёна» (Алиев «Пахтакор»); Абдуллаев «Темирйўлчи» (Кичинов «Пахтакор»); Сидебаев «Нурафшон»; А. Абдураимов «Навбахор»; Зобиров «Навбахор»; (Мақсудов «Пахтакор»); Тўпалари Забиров (9), Абдуллаев (18), А. Абдураимов (25), (45) — 11 метрдан, Маъмуров (11 метрдан, Қазимурчи (74), Мақсудов (78), Рўзимов (88) киритдилар. М. Жумакеев оғоҳландирди. Кубок ўйналарида қатнашадиган жамоаларнинг

асосида ўйнаётгани ва унинг номи томонларини яқин ўзлаштириб олганликлари ҳам анчагина хавф туғдирар эди.

ТАЪКИД: жамоамизнинг бу ўйиндаги мағлубияти Осиё кубоғи баҳсида қатнашадиган қозғоғистонлик футболчилар учун анча енгилликлар туғдирарди. Хайриятки йигитларимизнинг ҳамжиҳатлиги билан олиб борган шиддатли ва тезкор ҳужумлари ҳар қандай қаршиликни ен босишларни парчалаб ташлади.

Учрашувнинг кейинги дақиқаларида рақиб жамоа муҳлислари ўйнагоҳни тарк эта бошладилар, чунки энди галаба у ёқда турсин, дурранг натижага ҳам умид қолмаганди. Хуллас, жамоамиз қирғизистонлик футболчиларни мағлубиятга учратиб (6:2), мусобақа жадвалининг энг юқорисига чиқиб олди.

Table with columns: У, Ю, Д, М, Т, Н, О. Rows for Uzbekistan, Kirgizistan, Tajikistan, Turkmenistan, Kyrgyzstan.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ТУРОН» ҚУРҒОНТЕПАНИНГ «САВАЙ» ЖАМОАСИГА ЕТА ОЛАДИМИ?

КАСАБА уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамаоти жамоалари ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон миллий биринчилиги давом этмоқда. 1-туруҳда Қўрғонтепанин «Савай» жамоаси пешқадамлик қилляпти. Улар охириги учрашуви Попнинг маҳаллий «Гурумсарой» жамоаси билан ўтказиб, навбатдаги галабани қўлга киритишди. Иккинчи йўллама учун эса Андижоннинг «Турон» ҳамда Бешариқнинг «Пахтакор» жамоалари курашишляпти.

Учрашувда 1-ва 2-ўринни эгаллаган жамоалар финал босқичига чиқди. Фойдаланган 1-табақага йўллама қўлга киритишди. Эслатиб ўтамиз: уч жамоа

ЭЪЛОН

ИННОВАЦИОННАЯ ФИРМА

«ВОСТОК»

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ КАТТА ТАТБИҚ ЭТИШ ТАШКИЛОТЛАРИДАН БИРИ—«ВОСТОК» ИННОВАЦИЯ ФИРМАСИ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ СОҲАСИДА ЎЗ ТАРМОҚЛАРИ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- Жўмладан: — директорлик алоқа тизимлари, баланд овозли алоқа тизими; — телефон станциялари (катта-кичиклиги буюртмачининг хоҳишига боғлиқ); — маълумотхона хизматлари учун электрон информаторлар; — симсиз тижорат телевидиенелари учун аппаратуралар; — бино ичида симсиз (радиоканал орқали) овоз тарқатиш учун оғзаки маълумотларни синхрон таржима қиладиган аппаратлар; — кабелли алоқа йўллари ва уларни капитал таъмирлаш; — кабинет ва залларни ўқув-техника тизимлари билан жиҳозлаш учун ускуналарни ўз вақтида ЕТКАЗИБ БЕРИШ, МОНТАЖ ҚИЛИШ, ЎРНАТИШ ВА ИШГА ТУШИРИШ.

700000, Тошкент — ГСП, Ю. Фучик кўчаси, 2—А. Телефонлар: (3712) 33-15-93, 32-01-01, 33-56-01, 32-03-14. Факс: (3712) 32-01-01.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси «Халқ сўзи» газетасининг бўлим муҳаррири Мукаррама Муродовага отаси МУЪДИН отанинг вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Нидея: 64808. Вуэртма Г—187.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирилар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОВ. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Қарим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб), Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), «Народное слово», Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), «Халқ сўзи», Қўлаҳмад РИЗОВ, Эркин САМАНДАР, Азиз СУҲОН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари), «Народное слово», Александр УЛИЧИН (масъул котиб), «Народное слово», Мухтарам УЛУГОВА (бош муҳаррир ўринбосари), «Халқ сўзи», Рамис ФАРОДИН, Шавкат ЯҲЕВ, Пирмақол ҚОДИРОВ, Саидхорр ФУЛОМОВ.